

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари
А.Иноятов

2021 йил « 06 » х

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ

мутахассислиги бўйича клиник ординатор (резидент)ни
тайёрлаш

ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ


Билим соҳаси:

Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик:

Эндокринология

ТОШКЕНТ 2021



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТАСДИҚЛАЙМАН
ТТА ўқувчилари бўйича проректор
т.ф.д.нигажон Абдурадов Ш.А.



2021

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ

мутахассислиги бўйича клиник ординатор (резидент)ни
тайёрлаш

ЎҚУВ (МОДУЛ) ДАСТУРИ

Билим соҳаси:

Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик:

Эндокринология

Тошкент 2021

Тузувчилар:

- Шагазатова Б.Х.** - 2-сон ички касалликлар ва эндокринология кафедраси профессори, т.ф.д.
- Артикова Д.М.** -2-сон ички касалликлар ва эндокринология кафедраси доценти, т.ф.н.
- Кудратова Н.А.** - 2-сон ички касалликлар ва эндокринология кафедраси ассистенти

Такризчилар:

- Рахимова Г.Н.** - ТХКМРМ, Эндокринология кафедраси мудир
т.ф.д. профессор
- Нажмутдинова Д.К.** -2-сон ички касалликлар ва эндокринология кафедраси профессори, т.ф.д.

Ўқув (модул) дастури ТТАда ТХКМРМ ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Ўқув (модул) дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 6 октябрдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

1. Мутахассисликни долзарблиги ва ахамияти, соғлиқни сақлаш тизимидаги ўрни.

Клиник ординатура (резидентура) – дипломдан кейинги таълим тизими билан боғлиқ бўлган таълим, шифокорларнинг узлуксиз касбий таълим тизимининг таркибий қисмидир. Эндокринология мутахассислигидан клиник ординатура (резидентура) - тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчилари учун дипломдан кейинги ўқишни бир шакли бўлиб, ундан кейин шифокорга эндокринолог малакаси берилади.

Намунавий дастур Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, кредит-модулли таълим жараёнига ўтиш муносабати билан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 209-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунари таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи асосида ишлаб чиқилган. Клиник ординатура (резидентура)ни битирган мутахассис барча замонавий тиббий муаммоларни ечимида малакали ёрдам курсата олиш керак, ҳар хил инфекцион касалликларда (ОИТС, COVID-2019 ва бошқалар) хомиладор аёлларга таъсирини ва уларда асоратларини олдини олиш, касалланган хомиладорларни олиб бориш тактикаси, аҳоли орасида оммавий тушунтириш ишларни олиб боришни билиши шарт.

Ушбу ўқув дастур кундузги таълим шаклдаги 2 ўқув йилига мўлжалланган ва кредит-модул тизими асосида тузилган. Дастурда мутахассис-эндокринологни аҳолига эндокринологик ёрдамни ташкиллаштириши, мустақил ва самарали фаолият юритиши учун барча тегишли назарий билим, кўникма ва компетенцияларни эгаллаш учун етарли ҳажмдаги вазифалар ўз аксини топган.

Ўқишни биринчи йилида клиник ординатор (резидент) томонидан эндокринология тарихи, гипоталамо-гипофизар тизим анатомик, функционал хусусиятлари ва текшириш усуллари, болалардаги хусусиятлари, касалликлари,

қандли диабет ва метаболик синдром касалликларининг ривожланиши, ташҳислаш ва даволаш усулларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитишнинг иккинчи йилида клиник ординатор (резидент) қалқонсимон без ва қалқон олди безлари касалликлари, буйрак усти безлари ва жинсий безлар касалликлари, болалик ва ўсмирлик давридаги хусусиятлари, эндокринологияда тиббий ва меҳнат экспертиза масалалари бўйича билимларни эгаллаши режалаштирилган. Дастурда эндокринологияда шошилиш ёрдам масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

2 йиллик ўқиш даврида клиник ординатор (резидент) асосий мутахассислик модуллардан ташқари умумметодологик ва номутахассислик ёндош тиббий модулларини, ёндош клиник мутахассисликлардан кардиология, гинекология, андрология ва тиббий радиология бўйича ҳам бир қатор билимларни ўзлаштириши кўзда тутилган.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган қатор ислохотларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда ушбу модул дастурида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, эндокрин касалликларини олдини олиш, замонавий диагностика ва турли хил эндокринологик касалликларни даволашнинг юқори технологияли усуллари қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари дунёвий ва маҳаллий эпидемиологик ҳолатни инобатга олган ҳолда, юқумли бўлган касалликларда эндокринолог-шифокор тактикаси, юқумли бўлган беморлар билан ишлаш, диагностика ва даволаш хусусиятлари, эндокринологик-терапевтик бўлимларни иш фаолиятини мослаштириш, хусусий химоя қоидаларига риоя қилиш, ишлатилган буюмларни зарарлантириш каби саволларга алоҳида мавзулар ажратилган.

Клиник ординатор (резидент)ни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялар ва масофавий таълимдан кенг фойдаланиш кўзда тутилган.

2.Ўқув (модул) дастурининг мақсади ва вазифалари.

2.1.Ўқув (модул) дастурининг мақсади - клиник ординатура (резидентура)да керакли ҳажмдаги замонавий билимга, маҳоратга, амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларни соғлиқни сақлаш муассасаларида (идора/ташкилотларда) мустақил мутахассис сифатида ишлашга тайёрлигини шакллантириш.

2.2.Ўқув (модул) дастурининг вазифалари:

-клиник ординатор (резидент)ларни соғлиқни сақлаш тизимининг ва ихтисослаштирилган муассасалари бўлимларида юқори малакали эндокринолог сифатида мустақил ишлашга тайёрлаш;

-соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бириктирилган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсата оладиган, мақсадли профилактик чоратadbирларни ўткази оладиган мутахассисни тайёрлаш;

-соғлиқни сақлаш тизимининг барча муассасалари ишига рахбарлик қилиш.

Шулардан келиб чиқган ҳолда:

1. Юқори малакали эндокринологик ёрдамни кўрсатиш учун назарий билимларни эгаллаш ва такомиллаштириш, тайёргарлик даражаси ва сифатини ошириш;

2. Касбий вазифаларни мустақил ва сифатли бажариш учун шифокор-эндокринологга зарур амалий кўникма, компетенцияларни эгаллаш ва такомиллаштириш;

3. Замонавий технологиялар ёрдамида ташхис қўйиш, дифференциал ташхис қўйиш ва даволашга имкон берадиган клиник тафаккурни шакллантириш;

4. Ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг ишини оқилона режалаштириш учун соғлиқни сақлашни ташкил этиш, соғлиқни сақлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий масалалари бўйича асосий билимларга эга бўлиш;

5. Тиббий амалиётда замонавий ахборт технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

Клиник ординатор (резидент)нинг вазифаси ўқув жараёни вақтида эндокринология соҳасидаги билимларни чуқурлаштириш, клиник фикрлаш кўникмаларини ва илмий адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, қўшимча текшириш усуллари бажариш кўникмаларини ўзлаштириш, уларни шарҳлаш, эндокринологик тиббиёт муассасалари ишини ташкил қилиш усуллари ўзлаштириш, касалликнинг кам учрайдиган ва диагностик турлари билан танишиш.

Клиник ординатор (резидент)ларнинг касбий тайёргарлиги асосий ва унга алоқадор (ёndoш) фанларни чуқур ўрганишга, шунингдек, маҳаллий ва жаҳон тиббиётининг сўнгги ютуқлари билан танишиш ва ривожлантиришга қаратилган.

Мутахассиснинг беморлар билан алоқаси тиббий этика ва деонтология тамойилларини билишга асосланган.

2.3. Мутахассисдан кутилаётган натижалар:

-соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти ҳақида;

-Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари, стандартлари, истиқболлари) ҳақида;

-соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида;

-тиббиётнинг замонавий муаммолари ва ривожланишининг магистрал йўналишлари, эндокринологик касалликлар диагностикаси ва даволашда янги технологиялари ҳақида;

-Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш органларининг эндокринологик хизматига тегишли буйруқ ва норматив ҳужжатлар тўғрисида;

-эндокринологик касалликларни даволаш жараёнида компьютер технологияларининг ўрни, асосий элементлари, интернет воситалари, ахборотлар қидириш, маълумотларни сақлаш ҳақида;

-эндокринология тарихи ҳақида;

-Ўзбекистон Республикасидаги эндокринологик ёрдамнинг ҳолати ҳақида ҳақида;

-эндокринологик хизматнинг таркибий тузилмасини ва фаолиятлари ҳақида;

-амбулатор, стационар эндокринологик муассасалар ва уларнинг бўлимларини бошқариш ҳақида;

-эндокринологларни дипломдан кейинги узлуксиз касбий таълимини режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳақида;

-тиббий статистикани;

-эндокринологик муассасалар фаолиятини таҳлил қилиш ва хисоботларни шакллантириш ҳақида;

-аҳолига амбулатор тартибдаги эндокринологик ёрдамни ташкиллаштириш ҳақида;

-тиббий этика ва деонтология асослари ҳақида;

-врач, бемор, ўрта ва кичик тиббиёт ходими ўртасидаги муносабатларнинг асоси ҳақида;

-амалиётда тиббий деонтология талаблари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

-эндокринология тарихи, фан ва амалиётнинг замонавий ҳолати, келажак йўналишлари ҳақида;

-эндокринологиянинг предмети ва масалалари, асосий принциплари, бўлимлари, эндокринологга қўйиладиган талаблар ҳақида;

-Ўзбекистон Республикасида эндокринология соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари ва сўнги ютуқлари, долзарб муаммолари ҳақида;

-эндокринологик касалликларнинг эпидемиологияси ва касалликларнинг ҳавф омиллари, ривожланишининг замонавий назариялари ва таснифлари ҳақида;

- тиббий демография, тушунча, асосий бўлимлари ҳақида;

-эндокринологияда замонавий ташҳислаш усуллари ва даволашнинг янги технологиялари, асоратларини даволаш ҳамда диспенсеризация, реабилитация, профилактика чора-тадбирлари ҳақида;

-тиббий ҳужжатларни тўғри олиб бориш қоидалари ҳақида;

-меҳнат ва ҳарбий экспертиза ўтказиш ҳақида;

-эндокринологик касалликларда физиотерапевтик муолажаларни ўз вақтида ва тўғри қўллаш ҳақида;

-статистиканинг аниқлаш, унинг назарий асослари ҳақида;

-аҳоли саломатлиги: мезонлар ва кўрсаткичлари. Аҳоли ва унинг алоҳида гуруҳларининг соғлиғини ўрганиш схемаси. Аҳоли саломатлиги даражасини белгиловчи энг муҳим омиллар ва шартлар ҳақида;

-аҳолига тиббий-профилактика ёрдамини тиббий хизматнинг асосий тури сифатида кўрсата олиш ҳақида;

-профилактика ёрдами фаолиятини таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш - профилактика ёрдами фаолиятини таҳлил қилиш ва сифатини баҳолаш ҳақида;

-ногиронлик (вақтинчалик, доимий)ни текшириш. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни аниқлаш, меҳнатга лаёқатсизликни тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳақида;

-махсус тадқиқот усулларида олинган маълумотларни шарҳлаш (лаборатория, нейрофизиологик, невровизуал, биокимёвий) ҳақида;

-дори воситаларининг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини билиш ҳақида;

-операцион тизимлар, электрон почта, конференциялар ва тақдимотларни ташкиллаштириш тўғрисида билимларга эга бўлиш ҳақида;

-врачлик амалиётида «гуруҳ» бўлиб ишлаш тамойиллари ҳақида;

- юқумли бўлган касалликлар, эпидемия, пандемия вақтида эндокринологик ёрдамни кўрсатиш қоидалари ҳақида **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

-эндокринологик беморларни юқори малакали сўраб-суриштириш, терапевтик беморларга зарур даволаш-диагностик тадбирлар ҳажми ва тўпламини аниқлаш;

-эндокринологик беморларга айрим даволаш ва диагностик муолажаларни мустақил амалга ошириш, қўшимча текшириш (лаборатор, морфологик, функционал, рентген-радиологик, гормонал) натижаларининг

интерпретацияси, эндокринологик йўналишдаги стационар, шошилиш тиббий ёрдам бўлимларида комплекс индивидуаллаштирилган даволашни мустақил амалга ошириш;

-эндокринологик клиникаларда махсус текширувлар ва шошилиш ҳолатларида ёрдамни амалга ошириш;

-эндокринологик беморларга реабилитацион тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, тиббий ҳужжатларни юритиш;

-эндокринологик беморларга диспансеризация, реабилитация ва профилактикани амалга ошириш;

- аҳолига ва эндокринологик беморларга соғлом турмуш тарзини кенг ва мақсадли тарғибот қилиш;

- эндокрин касалликларини самарали даволаш, реабилитация қилишда ҳалқ таъбири билимларидан фойдаланиш;

-кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш мақсадида клиник аудит ўтказиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

3. Асосий қисм

3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари, таъкил этиш бўйича умумий кўрсатма тавсиялар:

Мутахассислик модуллар

1 - ўқув йили

№	Маъруза мавзуси	Соат/кредит
1.	Эндокринология тарихи. Гипоталамо- гипофизар тизим бошқаруви	2
2.	Соматотроп етишмовчилик	4
3.	Акромегалия ва гигантизм	2
4.	Гиперпролактинемия синдроми	2
5.	АКТГ га боғлиқ гиперкортицизм (Иценко- Кушинг касаллиги)	2
6.	Полидипсия синдроми. Қандсиз диабет	2
7.	Гипо- ёки пангипопитуитаризм синдроми	2
8.	Қандли диабет 1 тур	4
9.	Қандли диабет 2 тур	4
10.	Қандли диабетнинг ўткир асоратлари	2
11.	Қандли диабетнинг сурункали асоратлари	6
12.	Қандли диабет ва ҳомиладорлик	2
13.	Метаболик синдром	2
	Жами 1 йил	36/1.0

2 - ўқув йили

№	Маъруза мавзуси	Соат/кредит
1.	Қалқонсимон беи гормонларининг физиологик таъсирлари	2
2.	Йод танқислиги хасталиклари	2
3.	Гипотиреоз синдроми	2
4.	Диффуз токсик буқоқ	2
5.	Қалқон олди безлари хасталиклари	2
6.	Фосфор- кальций алмашинувининг бузилиши. Остеопороз	2
7.	Буйрак усти безлари гормонларининг физиологик таъсирлари. Ташхисий синамалар	2
8.	АКТГ га боғлиқ бўлмаган гиперкортицизм. (Иценко-Кушинг синдроми)	2
9.	Конн синдроми (гиперальдостеронизм синдроми)	2
10.	Сурункали ва ўткир буйрак усти беи пўстлоқ қисми етишмовчилиги	2
11.	Аёллар жинсий тизим безлари гормонларининг физиологик аҳамияти	2
12.	Қиз болаларда жинсий ривожланишининг бузилиши	2
13.	Климактерик синдром	2
14.	Тухумдонлар поликистоз синдроми	2
15.	Эркаклар жинсий тизим безлари гормонларининг физиологик аҳамияти	2
16.	Ўғил болаларда жинсий ривожланишининг бузилиши	4
17.	Ёшга боғлиқ андроген танқислиги	2
	Жами 2 йил	36/1,0
	Жами	72/2,0

Маъруза машғулотлари мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Маъруза ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт. Маърузаларда мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотлар келтирилиши мақсадга мувофиқ.

3.2. Модулдаги амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Мутахассислик модуллар

№	Модул ва амалий (семинар) машғулотларнинг мавзулари	Соат/ кредит
2.1.	Эндокринология	4306/119,6
2.1. (1 Модул)	Эндокринология фанининг тарихи. Ўзбекистон Республикасида эндокринологик хизматини қайта ташкил этиш	18/0,5
1.1.	Эндокринология фанининг тарихи. Ўзбекистон Республикасида эндокринологик хизматини қайта ташкил этиш	
2.1. (2 Модул)	Гипоталамо- гипофизар тизим касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий асослари	1058/29,4
2.1.	Пастбўйлилик синдроми ва соматотроп гормони етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича янги тавсиялар	
2.2.	Гигантизм ва акромегалияни ташхислаш ва даволашнинг замонавий қирралари	
2.3.	Қандсиз диабет касаллигининг ташхиси ва даволаш бўйича замонавий тавсиялар	
2.4.	Гипо- ва пангипопитуитаризм синдромларининг ташхиси ва даволашида халқаро тажриба	
2.5.	Гиперпролактинемия синдромининг замонавий ташхис ва даволаш усуллари	
2.6.	АКТГ га боғлиқ гиперкортицизм (Иценко-Кушинг касаллиги) ни ташхислаш ва даволашнинг замонавий мезонлари	
2.1. (3 Модул)	Метаболик синдром. Муаммога янгича нигоҳ.	144/4
3.1.	Метаболик синдром ва семизликнинг замонавий ташхис ва даволаш мезонлари. Болалик ва ўсмирлик даврида ўзига хослиги.	
2.1. (4 Модул)	Диабетологияга янгича нигоҳи	932/25,9
4.1.	Қандли диабет 1 турнинг ESPE/ISPAD бўйича замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари. Инсуллиннинг янги турлари ва уларни етказиб бериш усуллари	
4.2.	Қандли диабет 2 турни олиб бориш ва даволаш бўйича янгиланган ADA/EASD алгоритмлари	
4.3.	Диабетик нефропатия. KDOQI халқаро ташкилоти ва маҳаллий тавсиялар бўйича ташхислаш ва даволаш	

	алгоритмлари	
4.4.	Халқаро Диабет Фонди (IDF) нинг диабетик полинейропатия ва диабетик “тўпик” синдромини даволаш бўйича янгиланган ва замонавий тавсиялари	
4.5.	Диабетик ретинопатияни ташхислаш ва даволашда эндокринологнинг ўрни	
4.6.	Қандли диабетнинг ўткир асоратларида шошилиш ёрдам асослари. Замонавий маҳаллий тавсиялар.	
2.1. (5 Модул)	Тиреоидология: бугун ва эртага	1076/29,9
5.1.	Ўзбекистон Республикасида йодтанқислиги хасталиklarининг ҳозирги ҳолати. Йодтанқислик ҳолатининг болалар ақлий ривожланишининг шаклланишидаги аҳамияти.	
5.2.	Гипотиреоз синдроми ва туғма гипотиреозни ташхислаш ва даволаш бўйича халқаро ва миллий амалий алгоритмлари.	
5.3.	Болалар ва ўсмирларда диффуз токсик буқоқ (ДТЗ) ни ташхислаш ва даволаш бўйича АТА (АҚШ Тиреоидологик Ассоциацияси) нинг замонавий алгоритми	
5.4.	Аутоиммун тиреоидит (АИТ) касаллиги муаммосининг замонавий талқини.	
5.5.	Болалик ва ўсмирлик даврларида кальций – фосфор алашинувининг бузилиши. Муаммога янгича нигоҳ. Халқаро ташкилотларнинг ташхис ва даволаш бўйича замонавий тавсиялари	
2.1. (6 Модул)	Бўйрак усти бези касалликларининг муаммолари	269/7,5
6.1.	Гиперкортицизм синдромини ташхислаш ва даволашининг замонавий жиҳатлари	
6.2.	Сурункали бўйрак етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича янги тавсиялар	
6.3.	Туғма бўйрак усти безлари пўстлоқ қисми дисфункциясини ташхислаш ва даволашнинг замонавий мезонлари	
6.4.	Конн синдроми (гиперальдостеронизм) ни ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий алгоритмлар	
2.1. (7 Модул)	Репродуктив эндокринологиянинг асослари	807/22,4
7.1.	Ўғил болалар ва ўсмир болаларда жинсий ривожланишининг бузилиши ва гипоганадизмни	

	ташҳислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари	
7.2.	Қиз болалар ва ўсмир қизларда жинсий ривожланишининг бузилиши ва гипоганадизмни ташҳислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари	
7.3.	Болалар ва ўсмирларда эрта жинсий ривожланиш. Даволашнинг халқаро ва замонавий жиҳатлари.	
7.4.	Қизларда тухумдонлар поликистоз синдромининг янги ташҳис ва даволаш мезонлари.	
7.5.	Климактерик синдром. Янгиланган ташҳис ва даво мезонлари.	
7.6.	Ёшга боғлиқ адроген танқислигини ташҳислаш ва даволаш бўйича халқаро ва маҳаллий тавсиялар	
7.7.	Репродуктив тизим фаолиятининг бузилиши билан кечувчи хромосом хасталиклар ва синдромлар: Клайнфельтер, Шерешевского-Тернер, Нунан, XX, XXУ синдромлари.	
3.	Ёндош (клиник)мутахассислик модуллар	216/6,0
3.1.Модул	Кардиология	54/1,0
3.2.Модул	Акушерлик ва гинекология	54/1,0
3.3.Модул	Урология (андрология курси)	54/1,0
3.4.Модул	Тиббий радиология	54/1,0
1.	Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар	54/1,5
1.1.Модул	Валеология	27/0,75
1.2.Модул	Клиник фармакология	27/0,75

Амалий (семинар) машғулотлари мультимедияли кўрсатмалар (презентация, видеофильм, видеоролик ва ҳ.к) билан таъминланиши шарт. Машғулот ўтказиладиган аудитория мультимедия қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, клиник ординатор (резидент)ларга барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши шарт.

Машғулотларга тайёрланиш учун клиник ординатор (резидент)ларга мавзуга боғлиқ замонавий ва исботланган тиббиётга асосланган маълумотларни олиш учун ўқув адабиёт ва интернет манбалари педагог томонидан берилиши мақсадга мувофиқ, ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари ва услублари кўрсатилади.

Машғулотдан олдин педагог клиник ординатор (резидент)ларга машғулотни мақсадини аниқлаб берилади, машғулот вақтида инновацион педагогик технологиялар қўлланилади. Мавзу бўйича клиник ҳолатларни ўзлаштириш

учун вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар, кейслар ечиш, органайзерлар тузиш, диагностика ва даволаш протоколларини (алгоритмларни) ўрганиш ва такомиллаштириш, касаллик тарихини таҳлил қилиш, презентация тайёрлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш мумкин. Эгаллаган билимларни намоиш этиш учун тест синовларини ҳам ўтказиш мумкин.

Машғулот якунида ҳар бир клиник ординатор (резидент) тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади.

3.3. Мутахассис ўзлаштириши лозим бўлган амалий кўникмалар рўйхати:

1. Анамнез йиғиш
2. Эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда COVID-19да эндокринологик касалликларнинг кечиши ва уларни олиб бориш.
3. Перцентил ва зентил жадваллариидан фойдалана олиш.
4. Бош мия ва турк эгари КТ ва МРТ текширув суратларини таҳлил қилиш.
5. Гипоталамо- гипофизар тизим гормонларининг ажралишини кучайтирувчи ва пасайтирувчи синамаларни ўтказиш.
5. Гипоталамо- гипофизар тизим гормонларининг таҳлилларини баҳолай олиш Жаҳон соғлини сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг тавсиялари ва алгоритми асосида гипоталамо- гипофизар тизим касалликларига ташҳис қўйиш.
Гипоталамо- гипофизар тизим касалликларини даволаш ва олиб бориш бўйича замонавий халқаро ва маҳаллий тавсияларни амалиётга қўллаш.
7. Гипоталамо- гипофизар тизим касалликларининг асоратларини олдини олиш ва даволаш бўйича замонавий усулларни амалиётга тадбиқ этиш.
8. Гипоталамо- гипофизар тизим касалликларини хирургик ва бошқа усуллар билан даволаш асосларини амалиётда қўллаш.
9. Берилган дориларни фармакодинамикаси ва фармакинетикаси, ножўя таъсири ва организмдан чиқариш йўллари хисобга олган ҳолда, беморларнинг ёшини ва ёндош касалликларини эътиборга олиб буюриш. Бошқа гуруҳ дорилари билан таъсирини хисобга олиб, ҳар бир беморга индивидуал даво чораларини белгилаш.
- 10.ТМИ ни ҳисоблаш.
- 11.Глюкозага толерантлик тестини ўтказиш.
- 12.Метаболик синдромга сабаб бўлувчи ҳавф омилларини ажратиш.
- 13.Семизлик даражаси ва тери ости ёғ клетчаткасининг тақсимланишини аниқлаш. Тана масса индекси ва НОМА индексини ҳисоблашни билиш.

14. Жаҳон соғлини сақлаш ташкилоти (ЖССТ) нинг тавсиялари ва алгоритми асосида метаболик синдром ва семизлик касаллигига ташҳис қўйиш.
Метаболик синдром ва семизликни даволаш ва олиб бориш бўйича замонавий халқаро ва маҳаллий тавсияларни амалиётга қўллаш.
14. Метаболик синдром ва семизликни даволашда валеологик асосларни ва замонавий дори- воситаларини амалиётда қўллаш.
15. Метаболик синдром ва семизликнинг профилактик чора- тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш.
16. Метаболик синдром ва семизликнинг асоратларини олдини олиш ва даволаш бўйича замонавий усулларни амалиётга тадбиқ этиш.
17. Метаболик синдром ва семизликка сабаб бўлувчи ҳавф омилларни эрта аниқлаш ва даволаш.
18. Метаболик синдром ва семизлик касаллигини хирургик ва бошқа усуллар билан даволаш асосларини амалиётда қўллаш.
19. Замонавий классификациялари ва улардан фойдаланган ҳолда ташҳисни шакллантириш.
20. Қандли диабет 1 тур беморларда янги инсулин дори воситаларини қўллаш.
21. Қандли диабет 2 тур беморларни ADA/EASD алгоритмлари ва стандартлари бўйича ҳавф гуруҳлариги ажратиш ва шу аснода даво режасини тузиш.
22. Касалликнинг клиник кўриниши, асоратларининг мавжудлиги ва ҳамроҳ касалликларни ҳисобга олган ҳолда қандли диабет 2 тур беморларни замонавий тавсияларга кўра дори воситаларни танлаш.
23. Гестацион диабет ва ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлган қандли диабетни ташҳислаш ва даволаш.
24. Қандли диабет ривожланиш ҳавфи мавжуд гуруҳларни ажратиш ва касалликнинг ривожланишини олдини олиш бўйича чора- тадбирлар режасини тузиш.
25. Қандли диабетнинг асорати – сурункали буйрак касллиги бор беморларни замонавий дори воситалари билан даволаш.
26. Қандли диабет асорати – диабетик полинейропатияни Халқаро Диабет Фонди (IDF) нинг янгиланган стандартлари асосида ташҳислаш усуллари ва даволаш мезонларини амалиётга тадбиқ этиш.
27. Бошқа гуруҳ дорилари билан таъсирини ҳисобга олиб, ҳар бир беморга индивидуал даво чораларини белгилаш.

- 28.Қандли диабет билан оғриган беморларда кома: (гипергликемик, гипогликемик, лактоацидемик, гиперосмоляр) ҳолатига тушганда уйда ва кўрсатиш лозим бўлган ёрдамни кўрсата била олиш.
29. Қалқонсимон без пальпациясини бажариш.
- 30.Хвостек, Эрб, Вейс, Шлезингер симптомларини аниқлаш.
- 31.Гиперкальциемик кризни тез ва самарали бартараф этиш.
- 32.Тиреотоксикознинг кўз симптомлари ва офтальмопатияни ташҳислаш.
- 33.Қалқонсимон без сцинтиграммасини интерпретация қилиш.
- 34.Ахил пайи рефлекси вақтини аниқлаш.
- 35.Гипер- ва гипокальциемия белгиларини аниқлаш.
- 36.Фосфор-кальций алмашинуви текширувининг заруриятини аниқлаш.
- 37.Умумий ва ионизирланган кальций, ноорганик фосфор. Магний ва хлоридларнинг кўрсаткичларини баҳолаш.
- 38.Скелет ретгенограммасини баҳолаш.
- 39.Суяклар ретгенограммасида остеопороз, фиброз-кистоз остеодистрофия, йирик хужайрали ўсмаларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш.
- 40.Кальций алмашинувининг асосий гормонлари (паратгормон, кальцитонин, витамин D3) нинг кўрсаткичларини баҳолаш.
- 41.Тиреоидологик касалликларнинг замонавий ташҳис мезонлари, 2019 йил миллий ва халқаро тавсияларидан фойдаланган ҳолда ташҳисни шакллантириш.
- 42.Йодтанқислиги касалликларини замонавий усуллар ёрдамида ташҳислаш ва даволаш режасини тузиш.
- 43.Қалқонсимон без УЗД ва ингичка игнали пункцион биопсия натижасига кўра TI-RADS ва Bethesda диагностик классификациясини қўллай олиш ва интерпретация қилиш, унинг асосида беморларни олиб бориш ва даволай олиш.
- 44.Гипотиреоз синдроми билан кечувчи касалликлари замонавий ташҳиси ва текширув усулларини амалиётда қўллаш.
- 45.Диффуз токсик буқоқни замонавий ташҳислаш ва даволаш усулларини қўллаш.
- 46.Остеопороз касаллигининг замонавий ташҳислаш усулларини қўллаш ва интерпретацияни ўтказиш.
- 47.Ҳомиладорлик пайтида пайдо бўлувчи қалқонсимон без касалликларини ташҳислаш мезонларини ва даволаш асосларини амалиётга тадбиқ этиш.
- 48.Қалқонсимон без касалликларида нур ва хирургик давога муҳтож беморларни ажратиш.
- 49.Қалқонсимон без касалликларнинг профилактик чора- тадбирлар

режасини тузиш.

50. Касаллик асоратларини олдини олиш, эрта аниқлаш ва даво чораларини белгилаш.
51. Тиреоидологияда кечиктирилмайдиган ва интенсив даво лозим ҳолатларда касалликнинг махсус ва умумий белгиларини аниқлаш.
52. Буйрак усти беи пўстлоқ қисми фаолиятининг ошиши ва камайишининг ўзига хос белгиларини аниқлаш.
53. Гиперкатехоламиянинг ўзига хос белгиларини аниқлаш.
54. Вирил синдромни аниқлаш ва вирилизация даражасини баҳолаш.
55. Буйрак усти безларининг инструментал текширувлари (КТ, сцинтиграфия) маълумотларини баҳолаш.
56. Буйрак усти безларининг ультратовуш текшируви ва компьютер томография текширувлари натижаларини баҳолаш.
57. Буйрак усти безларининг ангиография текширув натижаларини баҳолаш.
58. Адренал кризни тез ва самарали бартараф этиш.
59. Беморни адреналэктомияга тайёрлаш.
60. Сув алмашинуви бузилишининг ўхзига хос белгиларини ажрата олиши.
61. Альдостеронизмнинг клиник синдромларини аниқлаши.
62. Анамнезга кўра жинсий безлар хасталигини тахмин қилишни билиш.
63. Кўрув натижаларига кўра жинсий безлар фаолиятининг бузилишини аниқлаш.
64. Иккиламчи тукланиш даражаси ва унинг турини аниқлаш.
65. Моекларни пайпаслашни билиш : уларнинг ҳажми, консистенцияси, ёрғоқда жойлашганлагини аниқлаш. Орхидометрни қўллашни билиш.
66. Эркакларда гинекомастияни аниқлаш ва тўқима турини баҳолаш.
67. Кариотип текширувини баҳолаш.
68. Касалликнинг клиник кўриниши, асоратларининг мавжудлиги ва ҳамроҳ касалликларни ҳисобга олган ҳолда жинсий ривожланиши бузилган беморларга замонавий тавсияларга кўра дори воситаларни танлаш.
69. Жинсий гормонларнинг ажралишини кучайтирадиган ёки пасайтирадиган синамаларни бажариш.
70. Таннер жадвалидан фойдаланилган ҳолда жинсий ривожланиш даражасини баҳолаш.
71. Ўрин босувчи гормонал терапияни ёш ва жинс хусусиятларига кўра танлай билиш.

4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар

4.1. Мустақил таълим учун мавзулар рўйхати:

1.Қандли диабет 1 ва 2 турлари скрининги: қандай ва нима учун олиб борилади?

2.Қандли диабетни даволашнинг янги имкониятлари.

3.Семизликнинг ножўя таъсирлари. Семизликнинг замонавий қиёсий ташҳис мезонлари.

4.Семизликни олиб боришнинг замонавий усуллари. Бариатрик жарроҳлик усули тўғрисида тушунча.

5.Қандли диабетда юрак- қон томир асоратлари ҳавфининг профилактикаси.

6.Гипогликемик ҳасталик: сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари.

7.Қалқонсимон без ятрогенияси ва ҳасталиклари. Амиодарон-ва интерферон-индуцирланган тиреоид дисфункциялар.

8.Терапевт амалиётида субклиник гипотиреоз и гипертиреоз.

9.Бирламчи гиперпаратиреоз: сабалари, клиник кўриниши, ташҳис ва даволаш мезонлари.

10. Иккиламчи гиперпаратиреоз: сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари.

11.Буйрак усти безлари ва гипофиз инцидентоломлари: олиб бориш тактикаси.

12.Гиперкортицизм синдроми: сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари. Ятроген гиперкортицизмда олиб бориш тактикаси.

13.Гиперпролактинемия синдроми: сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари.

14.Тухумдонлар поликистоз синдроми: тарқалиши, сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари.Тухумдонлар поликистоз синдромида орал котрацепция воситаларининг ўрни.

15.Эркакларда жинсий тизим фаолиятининг бузилиши :сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари. Ёшга боғлиқ андрогенлар етишмовчилиги тушунчаси.

16. Менопауза (климакс) нинг эндокрин мезонлари: сабаблари, кўриниши, ташҳис, даволаш мезонлари.

4.2.Тавсия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари:

Мустақил иш қуйидаги иш турлари ва шаклларда олиб борилади:

-амалий кўникмаларни тренажёр, муляж ҳамда симуляцион ҳоналарда (марказларда) сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш кундалигида акс эттириш;

-клиник базаларда навбатдчи шифокор билан биргаликда қўшимча тунги навбатчилик туриш ва унинг назоратида амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш, навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

-профилактик кўрикларда, тиббий кўрикларда ва беморларнинг патронажида мустақил иштирок етиш;

- аҳоли ўртасида тиббий санитария-маърифий ишларни мустақил равишда олиб бориш;

- компьютер дастурларида ишлаш;

- клиник компьютер ўқув симуляцион дастурларида ишлаш;

- адабиёт билан мустақил ишлаш орқали баъзи билимларни ўзлаштириш;

- мавзу бўйича реферат ва презентация тайёрлаш;

- тезис ва мақолалар тайёрлаш;

-график органайзерлар, кроссвордлар, вазиятли топшириқлар, бошқаларни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш;

- видеопрезентациялар, видеороликлар тайёрлаш ва уларни иш жараёнида қўллаш.

-клиник ва муаммога йўналтирилган ва далилларга асосланган вазиятли муаммоларни, ишларни ва бошқаларни ҳал қилиш бўйича ишлар.

4.3.Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

Модул бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Тиббиёт таълим муассасалари клиникалари ва клиник ўқув базаларида навбатчилик туриш ва назоратида амалий кўникмаларни сон ва сифат жиҳатдан бажариш, беморларни курация қилиш учун шароит яратиш лозим.

Аҳоли орасида санитар оқартирув ишларни, суҳбат ва маърузаларни ўтказиш учун тегишли режаларни тузиш ва тасдиқлаш.

Назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ва компьютер технологиялари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, реферат, презентация, вазиятли масалалар, таҳлиллар, органайзерлар ва ҳ.к.ни тайёрлаш учун шароит яратиш.

Модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар тайёрлаш учун ўргатиш ишларини йўлга қўйиш.

Масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этиш. Мустақил таълим кредитлари йиғилиши шарт.

5. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Ўқув йили давомида олинган билим, кўникма ва компетенцияларни такомиллаштириш, мустаҳкамлаш ва юқори даражага етказиш мақсадида ишлаб чиқариш (малака) амалиёти мутахассисликга доир марказ, бўлим, ташкилот ва ҳ.к. ташкил этилади. Амалиёт ўташ объекти сифатида, қўйилган вазифаларни бажаришга етарли материал-техник базага ва юқори малакали устозларга эга бўлган амалиёт базаси белгиланади. Клиник ординатор (резидент)лар ишлаб чиқариш (малака) амалиёти ўқишнинг мустақил таълим қисмига киради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти даврида клиник ординатор (резидент) кунма-кун ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, тасдиқланган шаклдаги, кундалигини тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари томонидан ҳар бир амалиёт кун даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади. Амалиёт кундалигидаги маълумотлар клиник ординатор (резидент)нинг амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради. Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти тугагандан сўнг амалиёт кундалиги охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан клиник ординатор (резидент)нинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва амалиёт кундалиги таълим муассасасига топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари таълим муассасаси ва амалиёт ўтган муассаса ходимларидан, таълим муассасаси раҳбари томонидан буйруқ асосида тузилади. Ишлаб чиқариш (малака) амалиётнинг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва мутахассисликга жавобгар кафедра (бўлим, лаборатория ва ҳ.к.) ходими томонидан клиник ординатор (резидентнинг) рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Амалиётни (сабабли, сабабсиз) бажармаган клиник ординатор (резидент)лар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор сифатида, муаммолари клиник ординатура (резидентура) бўлими ва таълим муассасаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади.

6. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.

6.1. Асосий адабиётлар:

1. Исмаилов С.И. Йододефицитные состояния в Узбекистане. Руководство. 2016г.
2. Клинические рекомендации по лечению сахарного диабета 2 типа. Ташкент, 2019 г.

3. Клиническое руководство по эндокринологии. Учеб. пособие / под ред. С. И. Исмаилова. Ташкент. 2018 г.
4. Қалқонсимон без касалликлари бўйича клиник протоколлар. Тошкент. 2019 й.
5. Международная федерация диабета: консенсус по профилактике сахарного диабета 2 типа.
(<http://www.specialist.endocrincentr.ru/images/material-images/prof.pdf>)
6. Нейроэндокринология бўйича клиник тавсиялар. Тошкент. 2019 й.
7. Рахимова Г.Н. Национальные стандарты оказания помощи детям и подросткам, больным сахарным диабетом 1 типа. Руководство для врачей. Ташкент. 2018 г.
8. Рахимова Г.Н. Стандарты по ведению и лечению сахарного диабета 1 и 2 типа. Руководство для врачей. Ташкент. 2018 г.
9. Рекомендации ААСЕ/ EUP 2019 по диагностике и лечению заболеваний гипоталамо- гипофизарной системы.
10. Эндокринология: национальное руководство: учеб. пособие для системы послевуз. проф. образование врачей / под ред. И. И. Дедов, Г. А. Мельниченко; Рос. ассоц. эндокринологов и ассоц. мед. обществ. по качеству. М. : ГЭОТАР – Медиа, 2019 г.

6.2.Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666 сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

7. Алгоритмы специализированной медицинской помощи больным сахарным диабетом. И. И. Дедов, М. В. Шестакова тахр. 4-издание. Москва, 2017 г.
8. Доказательная эндокринология. Под ред. Г. А. Мельниченко. Методические рекомендации для врачей. Москва: ГЭОТАР-медиа., 2008 г.
9. Рациональная фармакотерапия заболеваний эндокринной системы и нарушений обмена веществ. И.И. Дедова, Г.А. Мельниченко. Практические рекомендации для врачей. Москва. Литтерра. 2008 г.
- 10.Аметов А.С., Доскина Е.В. Акромегалия и гигантизм. Библиотека врача-специалиста. М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010 г.
- 11.Белоусов Ю.Б., Кукес В.Г. Клиническая фармакология: национальное руководство. Москва. 2009 г.
- 12.Благосклонная Я.В., Шляхто Е.В. Эндокринология. Монография.Москва. 2007 г.
- 13.Валдина Е. А. Заболевания щитовидной железы. Руководство. Санкт-Петербург. 2006 г.
- 14.Верин В.К. Гормоны и их эффекты. Справочник. М.: 2014 г.
- 15.Генри М. Кроненбер, ШломоМелмед, Кеннет С. Полонски, П. Рид Ларсен Эндокринология по Вильямсу. Нейроэндокринология. М.: ГЭОТАР – Медиа. 2010 г.
- 16.Генри М.Кроненберг Эндокринология по Вильямсу. Заболевания коры надпочечников и эндокринная артериальная гипертензия.2009 г.
- 17.Дедов И. И. Диагностика и лечение узлового зоба. Москва. 2003 г.
- 18.Дедов И. И. Сахарный диабет у детей и подростков. Руководятво для врачей. М.: ГЭОТАР-Медиа. 2007 г.
- 19.Дедов И. И., Мельниченко Г. А., Фадеев В. В. Эндокринология. - М.: Медицина. 2009 г.
- 20.Дедов И.И. Национальное руководство по эндокринологии. Москва. 2016 г.
- 21.Дедов И.И. Шестакова М.В. Алгоритмы специализированной медицинской помощи больным сахарным диабетом. Москва. «Геотар-Медиа. 2011г.
- 22.Дедов И.И. Шестакова М.В. Сахарный диабет. Диагностика, лечение, профилактика. Москва «МИА», 2011 г.
- 23.Дедов И.И., Мельниченко Г.А. Клинические рекомендации. Эндокринология. «Геотар-Медиа», Москва. 2008г.
- 24.Дедов И.И., Мельниченко Г.А. Российские клинические рекомендации. Эндокринология. 2016 г.

25. Дедов И.И., Мельниченко Г.А. Схемы лечения. Эндокринология. 2007 г.
26. Дедов И.И., Молитвословова Н.Н., Марова Е.И. Акромегалия: патогенез, клиника, диагностика, дифференциальная диагностика, методы лечения. Пособие для врачей. Тверь. 2006 г.
27. Дедов И.И., Петеркова В.А. Детская эндокринология. Атлас. М. 2016г.
28. Дедов И.И., Петеркова В.А., Малиевский о.А., Ширяева Т.Ю. Детская эндокринология. Учебник. Москва 2016 г.
29. Дедов И.И., Суркова Е.В., Майоров А.Ю., Галстян Г.Р., Токмакова А.Ю. Терапевтическое обучение больных сахарным диабетом. М. 2004 г.
30. Дедов И.И., Трошина Е.А., Юшков П.В., Александрова Г.А., Бухман А.И., Игнатков В.Я. Диагностика заболеваний щитовидной железы. Атлас. М., 2001 г.
31. Дедов И.И., Шестакова М.В. Диабетическая нефропатия. М. 2000 г.
32. Дедов И.И., Щербакова М.И. Сахарный диабет и его осложнения. Москва 2012 г.
33. Джураева А.Ш., Рахимова Г.Н., Исмаилов С.И., Акбаров А.З. Диабетическая нейропатия. Т. 2013 г.
34. Диагностика и лечение эндокринных заболеваний у детей и подростков. Учеб. пособие для системы послевуз. проф. образования врачей - педиатров /под ред. Н.П. Шабалова. – 2-е изд. перераб. и доп. М.: МЕДпресс – информ. 2009 г.
35. Зив Хохберг. Практические алгоритмы в эндокринологии. Руководство для врачей. Ташкент. 2004 г.
36. Исмаилов С.И., Рахимова Г.Н., Рахимджанова М.Т. Атлас для пациентов с сахарным диабетом 1 типа. Ташкент. 2011 г.
37. Исмаилов С.И. Эндокринологиядан танланган маърузалар. Ташкент. 2005 й.
38. Исмаилов С.И., Камалов Т.Т., Джураева А.Ш. Синдром диабетической стопы. Методик кулланма. Тошкент. 2005 й.
39. Кеттайл В.М., Аркин Р.А. Патопфизиология эндокринной системы. М.: Медицина. 2001 г.
40. Клиническое руководство по диагностике и лечению гипертиреоза и гипотиреоза. Американская Ассоциация Клинических Эндокринологов, проф. Исмаилов С.И. таржимасида. 2013 й.
41. Мельниченко Г.А. Практическая эндокринология. Амалий тиббиёт. 2009 г.
42. Мельниченко Г.А. Наглядная эндокринология. «Геотар-Медиа». 2008 г.
43. Мельниченко Г.А., Марова Е.И., Дзеранова Л.К., Вакс В.В. Гиперпролактинемия у женщин и мужчин. Пособие для врачей. М: 2007 г.

44. Мкртумян А.М., Нелаева А.А. Неотложная эндокринология. Учебное пособие. «Геотар-Медиа» Москва. 2008 г.
45. Окорочков А.Н. Лечение болезней внутренних органов. М. Геотар- Медиа. 2006 г.
46. Сидельникова В.М. Эндокринология беременности в норме и при патологии: научное издание / В. М. Сидельникова. - 2-е изд. М.: МЕДпресс-информ. 2009 г.
47. Симоненко В.Б., Дулин П.А., Маканин М.А. Нейроэндокринные опухоли. Руководство. Библиотека врача-специалиста. М.: ГЭОТАР-Медиа. 2010 г.
48. Скворцов В.В. Клиническая эндокринология. Краткий курс. СпецЛит. Санкт-Петербург. 2015 г.
49. Стандарты диагностики и лечения в эндокринологии. РСНПМЦЭ МЗРУз. 2015 г.
50. Сумин С.А. Неотложные состояния в эндокринологии. Медицина. 2008 г.
51. Терапевтический справочник Вашингтонского университета (раздел «Эндокринологии») 2010 г.
52. Тим Мак – Дермотт М.Д. Секреты эндокринологии. М. 2006 г.
53. Фадеев В.В. Мельниченко Г.А. Гипотиреоз. М. Северо-пресс. 2005 г.
54. Федеральные клинические рекомендации (протоколы) по ведению детей с эндокринными заболеваниями / Под ред. И. И. Дедова и В. А. Петерковой. М.: Практика. 2014 г.
55. Шабалов Н.П. Диагностика и лечение эндокринных заболеваний у детей и подростков. Москва 2017 г.
56. Шустов А.А. Функциональная и топическая диагностика в эндокринологии. Москва. 2010 г.

6.3. Интернет сайтлари:

- <http://www.medlinks.ru/speciality.php?topic=63> –эндокринология бўлими бўйича medlinks портали саҳифаси
- <https://www.rmj.ru/articles/endokrinologiya/> - илмий- амалий тиббиёт журнали «Российский медицинский журнал»
- <http://www.endocrincentr.ru> – РФ ССВ Эндокринологик Илмий Марказ сайти
- <https://internist.ru/nozology/endokrinologiya/> - С.П.Боткин номидаги врачлар малакасини ошириш Миллий жамияти сайти
- <http://www.med.uz/> - Ўзбекистоннинг тиббиёт портали
- <http://www.tipme.uz/> - Тошкент врачлар малакасини ошириш институти сайти